



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 1 апрель, № 64 (5231)

Жума

Ишонч ёрлиқлари топширилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга 31 март куни Оқсаройда Кувайт Давлати, Тожикистон Республикаси, Украина ҳамда Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган Халаф Мижбал Бузахир, Музаффар Хусейнов, Юрий Савченко ва Мариан Пшезьдзецки ишонч ёрлиқлари топшириди.

Президент Ислон Каримов ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, дипломатларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қўтлади, Ўзбекистонда бошлайётган миссияларида муваффақият тилади.

Кувайт Ўзбекистоннинг араб дунёсидаги муҳим иқтисодий ва сармоявий шерикларидан биридир. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2004 йил январь ойида Кувайт Давлатига расмий ташрифи самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада юксак поғонага кўтарилди, икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди, ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги имкониятлари ишга солина бошлади.

Кувайт Амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг 2008 йил июлида мамлакатимизга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни ривожлантириш йўлидаги янги қадам бўлди. Ташриф асосида Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришга оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Халаф Мижбал Бузахир ўз дипломатик миссияси даврида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш учун куч-гайратини аямаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган. Икки мамлакат халқларини муштарак тарих, анъана ва маданиятга ҳамда маънавий яқинликка асосланган асрий дўстлик ва яхши кўнчилик алоқалари боғлаб туради.

Икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси қатор давлатлараро ҳужжатлардан таркиб топган. Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлараро комиссияси мажлисларида иқтисодий ва маданий алоқаларни раванқ топтиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Мамлакатларимиз турли халқроқ ташкилотлар ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳам томонларни қизиқтирган масалалар бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда. Музаффар Хусейнов мамлакатимиздаги дипломатик фаолияти домида Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун барча зарур саъй-ҳаракатларни амалга оширишни қайд этди.

Ўзбекистон — Украина муносабатлари мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлиб, турли соҳалардаги ҳамкорликни қамраб олувчи қарийб 150 ҳужжат билан тартибга солинади. Президентимиз Ислон Каримовнинг 1998 йил февраль ойида Украинага расмий ташрифи асосида икки мамлакат ўртасида имзоланган Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги шартнома ўзаро алоқаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Эркин савдо тартиби ўрнатилганининг самараси ўлароқ, юртимизда украинлик сармоядорлар иштирокида кимё, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат sanoati, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритувчи элликдан зиёд корхона ташкил этилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Украинадаги 15 етакчи фирма ва компаниянинг ваколатхоналари рўйхатга олинган.

Юрий Савченко Украина Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини, ўз миссияси даврида икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мамлакатларимизнинг салоҳияти ва имкониятларини тўлароқ ишга солишга алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

Польша Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан муносабатларни фаол ривожлантираётган давлатларидан биридир. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари томонидан мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг октябрь ойида Тошкентда ушбу мулоқотларнинг бешинчи давраси ташкил этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, икки мамлакат ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинганлиги алоҳида таъкидлаш жоиз. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссияси савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг май ойида Тошкентда мазкур комиссиянинг навбатдаги мажлисини ва унинг доирасида кўшма бизнес-форум ҳамда Польша Республикасининг Миллий кўргазмасини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Мариан Пшезьдзецки Польша ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорлигини самарали ривожлантириш учун барча имкониятларга эга эканини, савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишни ўз фаолиятининг муҳим йўналиши деб ҳисоблашини қайд этди.

(Ў.А.)

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон андозаларига мос келаётганлиги туфайли уларга талаб тобора ошиб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш, технологик жиҳатдан янгилаш ва улардан самарали фойдаланиш туфайли катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Сурхондарё вилоятида ўтган йилги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 112,9 фоиз ўсмишга эришилгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Жараён

Вилоятдаги "Сурхонтекс" Ўзбекистон — АҚШ кўшма корхонаси — экспорт салоҳияти юксалиб бораётган ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Бу жамоанинг узокни кўзлаб иш тутиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бораёпти. Жумладан, 2004 йилда банкдан олинган 6,5 миллион АҚШ долларлик кредит эвазига замонавий ускуналар ўрнатилиб, сифатли калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Натижада 2010 йилда олдинги йилдагига нисбатан 394 тонна кўп — 2994 тонна калава ишлаб чиқарилиб, 3 миллион 485 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот қатор хорижий мамлакатларга сотилди.

— Маълумки, 2010 йилнинг 28 июлида Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди, — дейди корхонанинг йигирув цехи бошлиғи Фахриддин Йўлдошев. — Ушбу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар натижасида жамоамиз сафи касб-хўнар коллежлари битирувчилари ҳисобига кенгайиб бораёпти. Мисол учун, яқунланган йилда биргина Жарқўрган саноат касб-хўнар коллежи битирувчиларидан 36 нафарини ишга қабул қилдик.



СУРАТДА: оператор Соҳиба Ражабова.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Айтиш керакки, ёшларимиз интилувчан. Ўқув жараёнида ўрганган билимларини амалга ўтказишга қўлай олади. Шу боис улар синовдан муваффақиятли ўтмоқда. Бундан ташқари, маз-

кур ўқув даргоҳидаги иккита хорижий ускуналар моделлари билан жиҳозлаб берилгани ва тажрибали мутахассисларимиздан мунтазам сабоқ олишаётгани уларнинг билимлари мус-

таҳкамлашида муҳим аҳамият касб этапти. 550 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада жорий йилда иккита янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 10 нафар ки-

шини касаначиликка жалб этиш режалаштирилган. Булар тез орада корхона фаолияти янада ривожланишига хизмат қилади, албатта.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Шу йил май — июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг ваколатлари мuddати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига навбатдаги сайловни ўтказиш юзасидан тайёргарлик олиб борилмоқда.



2008 йил ноябрь — декабрь ойларида бўлиб ўтган олдинги сайлов яқунлари бўйича 9981 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 85 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланган эди. Бу йил 10 минг нафарга яқин фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 98 минг нафардан зиёд маслаҳатчисини сайлаш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 31 мартда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ушбу институти жамият

сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, қудратли бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлган ҳамда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципини изчил амалга оширишга ёрдам берадиган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг гоят муҳим бирламчи бўлини сифатида қучайтириш борасида тизимли ҳамда изчил чора-тадбирлар қўрилганлиги қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари самарадорлигини оширишда 1999 йилда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва 2004 йилда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мунтазам ўтказиб келинаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг

маслаҳатчилари сайлови ҳақиқий демократия, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, жойлардаги мавжуд кичикликларга нисбатан талабчанлик ва муросасизлик мактабига айланди.

2011 йилнинг май — июнь ойларида бўлажак фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинганлигининг йигирми йиллик байрамини нишонлаш арафасида сифат жиҳатидан янги, давлат ва жамият қурилишининг ҳамма томонларини демократлаштириш ва либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида чуқурлашиб бораётганлиги билан ажралиб турадиган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтади.

(Давоми 2-бетда).

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан брифинг ташкил этилди.

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИГА САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛАР АСОСИДА ЎТАДИ

Унда комиссия аъзолари — "Маҳалла" жамғармасининг республика бошқаруви раиси А. Аҳмедов, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С. Ортиқова мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараён ҳақида батафсил ахборот берди.

Дарҳақиқат, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос усули — маҳалла институти сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Бундан унинг обрўсини кўтариш, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, маънавий жабҳадаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Ўртбосимиз таъбири билан айтганда, маҳаллада ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди. Шу маънода, жорий йилнинг май — июнь ойларида ўтказилиши кутилаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг аҳамияти, роли жуда каттадир.

— Бугун маҳалла бошқарувининг қуйи бўғинида ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, жойларда фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, оливайил ва кичик бизнесни ривожлантириш, ҳудудлардаги ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда катта таъсирчан кучга айланди,

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИСТИҚБОЛАРИ

"UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий қилиш марказида "Давлат бошқаруви тизимида ахборот технологияларини ривожлантиришнинг роли ва аҳамияти" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбир

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда давлат қўмиталари, идоралари ва агентликлар вакиллари иштирок этди.

Семинардан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларини ривожлантиришнинг янги йўналишлари билан танишишдан иборат.

— Давлат идораларида замонавий ахборот технологияларининг қўлланиши бошқарув самарадорлигини ошириш, мамлакат ахборот ошқоралигини таъминлаш, давлат органларининг фуқаролар ва тадбиркорлар билан мулоқотида тезкорлик ва самарадорликни ошириш имконини беради, — дейди ахборот таъминоти ва gov.uz ҳукумат порталини ривожлантириш гуруҳи раҳбари О. Умаров. — Президентимиз Ислон Каримовнинг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Юқори технологияли телекоммуникациялар тармоқини ривожлантириш мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга. Бугун ҳаётни компьютер техникаси, ахборот технологиялари, интернет, мобил алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш қийин.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳалари қатори давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам юртимизда тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳамма қилинишини таъминлаш билан боғлиқ кенг қамровли ислохот ва модернизациялаш жараёнлари давом эттирилмоқда.

Бу жараёнлар "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да Юртбошимиз томонидан белгилаб берилганидек, ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга из-

нинг мустақиллигини таъминлаш бўйича гоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган.

Ўтган давр мобайнида икки

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

палаталар миллий парламент ташкил этилди, илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгалаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошчилиги эканини белгиладиган

норма чиқарилиди. Бугунги кунда Конституциямизнинг 89-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир

ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди". Шу муносабат билан Президентнинг айрим ваколатлари Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасига ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг фаолияти янада такомиллаштирилди. Ўзе-

бекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун асосида давлат бошқарувини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштироки янада кенгайтирилди. Буларнинг ҳаммаси ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалар билан Ўзбекистон тараққиётини ўзининг самарали натижасини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚ BANKI

Молиявий тизимда ишонч ва кафолат ўзаро манфаатли муносабатларнинг истиқболлини белгилайди. Қолаверса, мамлакатдаги иқтисодий барқарорликнинг бош омили ҳам фуқароларнинг банк ва бошқа молия муассасаларига бўлган ишончи билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида молиявий соҳани такомиллаштириш, банк хизматлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИШОНЧ ВА КАФОЛАТ

банк фаолиятининг асосий мезонидир

Давлат-тижорат Халқ банки Қашқадарё вилояти филиалида ҳам бу соҳада амалга оширилаётган ишлар эътирофга лойиқ. Жумладан, кейинги 2 йилда филиалга қарашли банк бўлимида миллион долларга омонатга қўйилган маблағлар миқдори 6,1 миллиард сўмдан 16,1 миллиард сўмга, омонатчилар сони эса 354 минг 266 нафарга кўпайди. Хорижий валютада ўз маблағларини банк филиалларида сақлаётган омонатчилар сони ҳам 2009 йилдагига нисбатан 1,5 баробар ошди. 2010 йил давомида банкка жалб қилинган умумий омонатлар қолдиги 19 миллиард 173 миллион сўмни ташкил этди.

Хусусан, мuddатли омонатлар қолдигининг 109,4 фоизга кўпайишига эришилди. Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини мuddатли омонатлар билан бирга, ютуқли омонатларга жалб қилишни кенгайтириш орқали банкнинг ресурс базаси мустаҳкамланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар ҳажмини ошириш, аҳоли ва кичик бизнес субъектларига кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш ҳамда сифатини янада яхшилаш имконини бермоқда.

Вилоятда янги корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали иш ўринлари яратиш борасидаги ташаббуслари, истиқболли лойиҳалари билан юртимиз раънақида хисса қўшаётган тadbиркорлар сафи ошмоқда. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик соҳаси ривожини таъминлашга муносиб улуш қўшмоқдалар.

— Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили" деб эълон қилиниши ушбу соҳа

вакиллари қатори уларнинг молиявий кўмакчиси бўлган биз, банк ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклатди, — дейди давлат-тижорат Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали раҳбари Курбон Сариков. — Вилоятимиз ҳудуди жиҳатидан катта. Чекка туманларда аҳоли тарқоқ жойлашган. Шу боис, энг аввало, қишлоқ аҳолиси билан жонли мулоқотлар уюштириб, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун нима қилиш керак, деган саволга жавоб топишга интилаямиз. Хусусан, истиқболда қишлоқ тadbиркорлари, айниқса, ёш ишбилармонларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали чекка ва олис ҳудудларда ҳам ишлаб чиқаришни ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Ана шу эзгу мақсадларимиз рўёби жойларда қўллаб янги иш ўринларининг вужудга келишига асос бўлади.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар аҳоли дастурхони тўқинлигини таъминлаш баробарида, иш билан банд юртдошларимиз сафининг тобора кенгайишига хизмат қилаётир.

— Халқ банки бизнинг молиявий мададкоримиз, — дейди Чирочки туманидаги "Шарбат" хусусий савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Шойимардон Ҳўжақулов. — Мева ва полис маҳсулотларидан яна ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсади-

да Халқ банкига мурожаат қилдим. Банк ходимлари бизнес режамни кўриб чиқиб, қисқа фурсатда 95 миллион 131 минг сўм миқдорда кредит ажратди. Ушбу сармоа эвазига хориждан замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдим. Натижада фаолиятни йўлга қўйиб, 20 га яқин йигит-қизни иш билан таъминладим. Жорий йилда Халқ банкининг молиявий кўмаги асосида фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Қарши шаҳридаги "Истиқлол-С" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси-

Молия муассасаларида

га Халқ банки томонидан 250 миллион сўм кредит ажратилган эди. Банк сармоа эвазига корхонада қолипчилик ва нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, 30 га яқин иш ўринлари яратилди. Шунингдек, "Шабнам квадрат" хусусий корхонасига ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига тўйхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу ерда ўнга яқин ёш иш билан таъминланган. "САС Универсал" хусусий корхонасига ажратилган 200 миллион сўмлик кредит ҳисобига маъмурий ташкил этилиб, 25 та иш ўрни яратилди.

— Халқ банки халқимизнинг чин маънодаги молиявий ҳамкорига айланди бораёпти, — дейди Шаҳрисабз шаҳридаги "Асл-мебель сервис" фирмаси раҳбари Абдугани Файзиев. — Биз ҳам ушбу молия муассасасидан 50 миллион сўм кредит олиб, хориждан замонавий мебель ишлаб чиқариш технологиясини харид қилдик. Ушбу технологик линия ишга туширилган, 15 нафар ёш иш билан таъминланади. Қисқа фурсатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб,

банкдан олган кредитни жорий йилнинг иккинчи ярмига қадар узишни мақсад қилганмиз. Шундан сўнг Халқ банкнинг молиявий мадади асосида маҳсулот тайёрлаш қўламини кенгайтирамиз.

Шунингдек, Халқ банкининг Бешкент филиали томонидан "Хакберди ота" хусусий фирма-

си, "Шарофиддин Нурилло" хусусий корхонаси, "Бешкент автотехсервис" масъулияти чекланган жамиятларига ажратилган ҳамма 400 миллион сўмлик кредит ҳисобига ҳудудда маиший хизмат, йўловчи ташиш ҳамда сервис хизмати ривожланиши баробарида, 50 га яқин иш ўринлари яратилди.

Халқ банкининг бошқа филиалларида ҳам тadbиркорларга ажратилаётган кредитлар эвазига қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ўнлаб корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Пировадидида 120 дан ортиқ иш ўринлари барпо этилди. Қисқача айтганда, банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли ўтган 2010 йилда вилоят қишлоқ жойларида 160 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда касаначиликни ривожлантириш учун замонавий бинолар қурилиб, ишга туширилди. Қишлоқ жойларида 180 дан ортиқ минимаркет ва савдо дўконлари қад ростлади.

Филиалнинг туман ва шаҳар бўлими томонидан тadbиркорлар ҳамда хўжалик юртувчи субъектларига ажратилаётган қисқа ва узок мuddатли кредитлар банкнинг капиталлашув даражаси ҳамда инвестицион фаолиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, ўтган йили истеъмол,

уй-жой қуриш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги корхоналарига пахта ҳамда галла етиштириш харажатлари, шунингдек, техника воситалари, савдо-сотик, дўконлар ва минимаркетлар қуриш, жисмоний шахсларга чорва моллари сотиб олиш, тadbиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида ажратилган кредитлар миқдори 18 миллиард 621 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса 2009 йилдагига нисбатан 6 миллиард 197 миллион сўмга кўпдир. Ўз навбатида, ўтган йил мобайнида кредит қўйилмаларининг қолдиги 34 миллиард 510 миллион сўмни ташкил қилиб, аввалги йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ошди. Эътиборлиси, ушбу маблағлар ҳисобига 2 минг 100 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Истеъмол кредитлари тизимини ривожлантириш аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, оила фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Шундан келиб чиқиб, банк томонидан кредит ресурсларининг катта қисми аҳолини истеъмол кредитлари билан таъминлашга йўналтирилмоқда. Хусусан, жорий йил мобайнида "Ёш оилалари қўллаб-қувватлаш" ва "Оила фаровонлиги" истеъмол кредитлари орқали 2009 йилдагига нисбатан 427,3 миллион сўм кўп маблағ йўналтирилди. Бошқача айтганда, 150 нафардан зиёд фуқарога жами 2 миллиард сўмдан ортиқ истеъмол кредитлари ажратилиб, ёш оилалар қўллаб-қувватланди. Бундан ташқари, 696 нафар фуқарога шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун 987,6 миллион сўм кредит берилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасига ажратилаётган кредитлар ҳисобига вилоятда иссиқхона хўжалиги, асаларчилик, паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожланмоқда. Ўтган йил давомида мазкур тармоқлар учун 38 кишига жами 587 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Ҳамиша халқ ичида бўлиш, ҳар бир хонадонга кириб бориш, оилалар фаровонлигини оширишга хисса қўшиш ва, албатта, миждозлар ишончини қозониш Халқ банки фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бугун Халқ банкининг Қашқадарё вилояти филиали жамоаси томонидан аҳолига сифатли ва малакали банк хизмати кўрсатилаётир. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлапти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ. t

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфтлари



Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мулк — "Шухрат" дўкони жойлашган чорраха)

T/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Ташкилот

«MOTOROLA», «VERTEX», «ASELSAN», «POSBON» радиостанциялари, телефон аппаратлари, тезкор алоқа пульталари, станциялари, сигнал-овоз кучайтириш мосламалари учун



ЎХТИЁТ қисмлар ва жамламалар етказиб бериш бўйича таклифлар киритишингизни сўрайди.

Маълумот учун телефон: (8-371) 233-44-78.

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ТОШНЕНТДАГИ ОМБОРНОСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«КЧМ» ЧҲЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

Табий газ, қуруқ ва суяк ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.

Шунингдек: 

КАФЕЛЬ

(девор ва пол учун)

САНТЕХНИКА

(катта ҳажмда унитаз ва умывальниклар)

ЧҲЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ

Тел./факс: 267-35-73.

Савдо шохобчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127. zakamsk-group@mail.ru

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ!

Иштирок этиш масалалари бўйича ташкилотчилар офисига мурожаат қилинг **113 01 80**

2011 йил, 16-18 май
«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

6-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМАСИ

ЭНЕРГЕТИКА

Ташкилотчи: **www.power.ite-uzbekistan.uz**

100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шох кўчаси, 59-«А».
Тел.: +(998 71) 113-01-80. Факс: +(998 71) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, web: www.ite-uzbekistan.uz

ITE UZBEKISTAN **ufi** Guvoohnoma № 3583

Асака туманилик тadbиркор Ўқтам Умаров саяъ-харақати билан Нийёзботир қишлоғида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологик линия ишга туширилди.

Дастурхон файзи

Бунинг учун банкнинг 24 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Ўн киши меҳнат қилаётган ушбу "Улкан — 96" хусусий корхонасида қисқа вақт ичида 25 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига тортиқ этилди. Таъкидлаш кераки, Асака туманида ўтган йили 90 та савдо дўкони ва хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиб, 209 та иш ўрни яратилган эди.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари

600 x 600 мм,
610 x 610 мм.

Ассортимент 22 турда.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ

олий маълумотга эга бўлиш!

Украинанинг 200 та олий ўқув юрти сизларни кириш имтиҳонларисиз шартнома асосида 500 дан зиёд мутахассисликлар бўйича таълим олишга таклиф этади!

Ўқиш шакли — кундузги, сиртқи ва масофавий.

Ўқиш баҳоси ва сизни қизиқтирган бошқа саволлар бўйича тўлиқ маълумотни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Уйгур кўчаси, 314-уй, Украина бизнес маркази.
Телефонлар: (+99871) 242-84-64, 242-93-73, 249-69-39, (+99897) 158-85-75, (+99897) 103-72-34.

ТАШКИЛОТ КУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» КК

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар КҚС билан кўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЙЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЙЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

КАРЕИД — Козогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 800 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Республикамизда тadbиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида ҳафтанинг **ЖУМА** куни

«Тadbиркорлар куни»
(«Очиқ эшиклар куни») деб эълон қилинган.

Тadbиркорлик фаолиятида дуч келган тўсиқ ва муаммолар юзасидан ҳамда тadbиркорликка оид барча масалаларда ҳафтанинг **ЖУМА** куни соат 9.00 дан 13.00 гача республикамиздаги вилоят, туман, шаҳар ҳокимликларига бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

Сизнинг мурожаатингиз тегишли органлар томонидан кўриб чиқилиши таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси:
(8-371) 150-60-06, 150-60-05;
(8-800) 120-04-04 (ушбу рақамга телефон қилиш республика ҳудудида бепул ва фақат уй телефонларидан амалга оширилиши мумкин).
E-mail: info@chamber.uz; callcenter@chamber.uz; law@chamber.uz



Айтиш жоизки, мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан юртимизнинг барча худудларида бўлгани сингари, Гулистон шаҳрида ҳам ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш юзасидан тренинглари, ахборот технологиялари бўйича тақдимот акциялари, журналистика ва хорижий тилларни ўргатиш консалтинглари, ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларнинг инно-

«БИЗ — 20 ЁШДАМИЗ»

вацион лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Албатта, ташкилот томонидан ўтказилаётган танловларда сирдарёлик ёшлар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ана шундай ижодий беллашувларда вилоят ёшларидан 50 нафари ғолибликни кўлга киритгани қувонарлидир. Зеро, «Келажақ овози» кўрик-танлови ғолибларидан 4 нафари имтиёзли равишда олий ўқув юртига рақиб бўлиб қўйилди.

11 нафари «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури», 4 нафари «Таълим грантлари дастури», 14 нафар жажжи болажон эса «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали совриндорлари сифидан жой олди.

Акция доирасида иштирокчилар даставвал Гулистон давлат университети боғига кўчатиқди. Келгилари олий ўқув юрти ҳовлисида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» иш бошлади. Унда вилоятдаги 105 та корхона ва ташкилот 620

та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Икки мингга яқин йигит-қиз қатнашган тадбир давомида 372 кишига ишга жойлаштирилган учун йўлланмалар берилди. Улардан 296 нафари ёшлар эканлиги эътиборлидир.

Бинобарин, университетда ёш журналистлар танлови, мунозара клублари тақдимоти ҳамда хорижий тиллар бўйича танловлар бўлиб ўтди. Гулистон курилиш коллежиди эса «Келажақ овози» танловининг ахборот акцияси да-

— дейди Гулистон давлат университети талабаси Исроил Ибрагимов. — Банк муассасалари, солиқ, адлия идоралари мутасаддиларининг чиқишларидан англадимки, мамлакатимизда биз, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишимиз ва фаровон турмуш кечиришимиз учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилмоқда.

Акция доирасида «Меҳр нури» жамғармаси томонидан Гулистондаги «Замин» тўйхонасида хайрия тадбири ҳам ташкил этилди. Унда кам таъминланган, эҳтиёжманд инсонларга меҳр-муруват кўрсатилди. Куннинг иккинчи ярмида шаҳардаги Мустақиллик майдонидан «Алломиш» спорт мажмуасигача бўлган масофада югуриш марафони ҳамда «Алломиш» спорт мажмуасида ёшлар учун катта концерт дастури бўлиб ўтди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
К. ҚУННОВОВ
олган сурат.

HALQ BANKI
ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

компьютер техникалари харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ҳужжатлари тўпламини ҳар қандай ваколатли қатнашувчи куйида кўрсатилган манзилдан олиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки,
100096, Тошкент шаҳри, Қаторгол кўчаси, 46-уй.
Телефонлар: (+998-71) 273-86-49, 150-13-12.
Факс: (+998-71) 150-12-94.
E-mail: ixmatulla@xb.uz

Барча таклифлар Халқ банкининг юқорида кўрсатилган манзилига 2011 йил 7 апрель соат 17.00 гача тақдим қилиниши лозим.

Мазкур муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар ва қўшимчалар қабул қилинмайди.

Митти ҳажвлар

Ёши нечада?

Сафар олдида «Гўзаллик салони»да «ёшариб» чиққан танноз аёл кўпедога ҳамроҳидан сўради:

— Айтинг-чи, менинг ёшим нечада?

У киши ўйланиб қолди. Ёши ўтганлиги шундоқ кўриниб турибди. Лекин аёл кишининг кўнгли нозик...

— Билмадим, — деди ноқулай аҳволда. — Бир қарашда айтишим қийинга ўхшайди...

— Унда келинг, мен сизга ўзим ҳақимда айрим маълумотларни айтиш. Шунга қараб, балки ёшимни аниқлаб оларсиз.

— Қани, айтинг-чи...

— Мана, масалан, қизим боғчага боради...

— Йў-е, нахотки!.. Нима, қизингиз боғча мудирасими?!

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАК

2011 йил 1 апрелдан бошлаб электр энергияси тарифлари ошганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 2011 йил 30 мартдаги 19-03-22-05-ЎзР-16-2011-сонли реестри

I. Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори.	
Икки ставкали тариф:	
- бир йилга 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов	137 800 сўм
- 1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов	65 сўм 80 тийин
II. Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қувват 750 кВА гача.	
Бир ставкали тариф:	
- 1 кВт соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов	83 сўм 60 тийин
III. Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари	83 сўм 60 тийин
IV. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электр тортиш)	83 сўм 60 тийин
V. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлари, шаҳар кўчаларини ёритиш	83 сўм 60 тийин
VI. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари	85 сўм 40 тийин
VII. Аҳоли, аҳоли пунктлари	83 сўм 60 тийин
Электр плиталар билан жиҳозланган тураржой аҳолиси	41 сўм 80 тийин
VIII. Иситиш, иссиқ сув билан таъминлаш ва совитиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси	83 сўм 60 тийин
IX. Реклама, иллюминация	110 сўм 00 тийин
X. Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига	83 сўм 60 тийин

Мазкур тарифлар ҚҚС билан ўрнатилган.

Ушбу реестр кучга кириши билан 2010 йил 29 сентябрдан амал қилган 19-03-22-05-ЎзР-39-2010-сонли реестр ўз кучини йўқотади.

ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ

Солиқ тизимида жорий этилаётган янги хизмат турлари ана шундай эътирофга лойиқ.

Бугун жамият тараққиётини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис ҳозир бундай замонавий воситалар барча соҳаларга энчиқ татбиқ этилаётди. Бу эса фаолият самарадорлиги ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, бу борадаги ислохотларда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлаётди.

Фаргона вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва тўғрисида ахборот, яқка тартибдаги тадбиркорлар эса мол-мулк ва ер солиғи бўйича мавжуд қарзлари, ҳисобланган ҳамда тўланган ортиқча тўловлар ва солиқ идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тўлиқ ва тезкор маълумотлар олиш имконига эга бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши бу соҳадаги ислохотлар кўламини янада кенгайтириши тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз ҳам ўз фаолиятимизни такомиллаштириб, тадбиркорлар учун қўшимча қулайликлар яратишга ҳаракат қилаёмиз. Бу эса солиқ тўловчи тадбиркорларимизнинг нафақат бугунги, балки эртанги даромадларини ҳам чамалаб, шу асосда аниқ ва пухта режалар тузишига хизмат қилаётди.

Зеро, бугунги ҳаракат эртанги тараққиётнинг пойдеворидир.

Абдували ТЕШАБОВЕВ,
Фаргона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Россия линолеуми

Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.

Берганинг яхши

— Турдуймо мендан қарз сўраяпти. Берсамми, бермасамми?

— Берақол.

— У вақтида қайтарармикин?

— Унисини билмадим. Лекин ҳар қалай берсанг яхши бўлади.

— Нега?

— Чунки сен бермасанг, мендан сўрайди-да.

Ҳабиб сиддиқ.

ОБ-ҲАВО (1 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 5-10 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Харорат тунда 6-11 даража илқ, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Харорат тунда 6-11 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 8-13 даража илқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 6-11 даража илқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик кузатилмайди. Харорат тунда 7-9 даража илқ, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ЖАҲОН БАНКИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистонда 2011 йил учун навбатдаги грантлар танловини эълон қилади.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ва ноакадемик ташкилотлари учун Фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиёт жамғармаси (аввал Жаҳон банки Кичик грантлар дастури деб аталган, бундан буён эса ФЖЖ) доирасида грант танлови очилишини мамнуният билан эълон қилади.

ФЖЖ томонидан қўллаб-қувватланадиган фаолият турлари музокара ва маълумотни тарқатишни тарғиб қилишга, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнини қўллаб-қувватлаш учун асосий тарафлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. ФЖЖнинг 2011 йил учун дастури кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган таклифларни қабул қилади.

Индивидуал грантлар қиймати 1000 — 7000 АҚШ доллари эквивалентида бўлиши керак. ФЖЖ томонидан молиялаштириш учун таклиф қилинган ишлар грант тақдим этилган санадан бошлаб бир йил ораллигида бажарилиши лозим.

ФЖЖ дастури бўйича кўрсатмалар ҳамда грант олиш учун тўлдирилиши зарур бўлган форма Жаҳон банкининг 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, Халқаро бизнес маркази, 15-қават, 107-«Б» манзили бўйича жойлашган ваколатхонасида ва Жаҳон банкининг www.worldbank.org.uz веб-сайтида мавжуд. Аризалар 2011 йил 20 апрелгача Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасига юқоридаги манзилга ёки (+998 71) 238-59-51/52 рақамларига факс орқали жўнатилиши, шунингдек, itsoy@worldbank.org электрон почтаси орқали юборилиши мумкин. Уларга «Фуқаролик жамияти жамғармаси Дастури» деб белги қўйилиши ҳамда «Ирина Цой эътибори учун» дея қайд этилиши керак.

Жаҳон банкига ўз фаолиятдан ташқари халқаро тараққиёт ҳақида маълумот тарқатиш ва музокарани тарғиб қилиш учун имконият яратиш мақсадида 1983 йили Фуқаролик жамияти ижтимоий тараққиёт жамғармаси (ФЖЖ) томонидан молиялаштирилган мазкур дастурга асос солинган. Дастур Ўзбекистонда 2000 йилдан буён татбиқ этилмоқда ва бу давр ичида 70 дан зиёд лойиҳани молиялаштирди.

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Андижон шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан, Андижон вилояти хўжалик судининг 2009 йил 14 декабрдаги 17-0902-10547-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Ербоши кўчаси, 1-уйда жойлашган, қурилиш майдони 2425,46 кв.м., фойдалани майдони 4294,05 кв.м. бўлган «Мустақиллик» ОАЖнинг маъмурий бино, айвон ва омборхона бинолари тараққаран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 225 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 21 апрель кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан туман суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки вилоят бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22622000200571452003, МФО: 00069, СТИР: 200933850.

Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 224-48-53.

www.rkmb.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 01.35

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қўтбидинов.
Навбатчи — Д. Улмуҳаммадов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

Лицензия: DB 001 № 000004.